Ушбу сонда:
2 БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА
3 TV — ДАСТУРИ
4 *Жисми жон жумбоқлари* БЕҲУШЛИК ЧАНГАЛИДА БЕШ ЙИЛ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2000 йил 6 октябр, жума №147 (979)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ДАСТЛАБКИ ТОЛА ХОРИЖГА

«Навоий пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти вилоятдаги энг кекса саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Фаолият кўрсата бошлаганига 100 йилдан ошган ушбу корхона бугунга келиб иккинчи умрини яшамоқда. Қайтадан таъмирланган замонавий завод мулкчиликнинг янги шаклига ўтиб, ўз имкониятларини янада кенгайтирди.

- Олаётган даромадимизнинг муайян қисми корхона цех ва бўлимларини замонавий технология билан қайта жиҳозлашга сарфланмоқда, - дейди ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Б.Абдуллаев. - Шу йилнинг ўзида пахтани тола ва чигитга ажратиш цехидаги асосий жиҳозлар юз фоизга янгиланди. Бундан ташқари чигитни туксизлантириш цехи ишга туширилди.

(ЎзА).

# ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИНИНГ УЛКАН ҒАЛАБАСИ

### Куни кеча Австралиянинг Сидней шаҳрида якунланган Олимпия ўйинлари Ўзбекистон спорти учун ўзига хос синов бўлди ва ундан мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли ўтди



Олимпиада Ўзбекистон спорти юксак марралар сари дадил одимлаётганини яна бир бор намойиш этди. Мусобақаларда юртимиз спортчилари биттадан олтин ва кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди. Ўн икки вакилимиз эса кучли олтиликдан жой олди. Олимпиадада боксчиларимиз эришган ютуқлар, айниқса, мақтовга лойиқ. Ўзбекистонлик «чарм қўлқоп» усталари ўз чиқишлари якунларига кўра, 199 давлатнинг бокс жамоалари орасида тўртинчи ўринни эгаллади.

Ўтган икки ҳафта Сидней Олимпиадасида қатнашган делегациямиз аъзолари учун унутилмас давр бўлиб қолиши аниқ. Бу даврнинг ўзига хос якуни эса 4 октябр бўлди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида олимпиадачиларимизни қабул қилди.

- Авваламбор, олис Австралия заминида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида қатнашиб, Ўзбекистон обрўсини яна бир карра жаҳонга тараннум этиб, она юртимизга, ота-онангиз, ёру биродарларингиз бағрига эсон-омон қайтиб келганингиз учун Аллоҳ таолога шукроналар айтамиз, - деди давлатимиз раҳбари учрашувда. - Шу фурсатдан фойдаланиб, Олимпия ўйинларининг бошидан охиригача сизларнинг миллионлаб мухлисларингиз, бутун халқимиз Ўзбекистон спортчиларининг чиқишларини телевидение ва матбуот орқали кузатиб, хушхабарлар кутиб яшаганини айтиб ўтмоқчиман.

Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида мамлакатимиз вакилларининг бошқа давлатлар спортчилари қаторида виқор билан ўтгани, уларнинг қадди-қомати, очиқ чеҳрасининг ўзиёқ барча ватандошларимизнинг ғурурига ғурур қўшди. Нега деганда, спорт оламидаги энг нуфузли, энг юксак саналмиш Олимпия ўйинларида қатнашишнинг ўзи барча учун катта бахт, катта шараф.

- Олимпия майдонларидаги мусобақалар қандай қизғин курашлар остида ўтгани, ҳар бир иштирокчидан жуда катта куч-қувват, ирода ва интилиш, бутун борлиғини бағишлашни талаб этгани кўпчиликка аён, - деб таъкидлади Президент. - Барчамиз мана шундай кескин рақобат шароитида ғалабага эришиш, муносиб ўрин эгаллаш нақадар оғир ва машаққатли кечганининг гувоҳи бўлдик. Бугун шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати номидан, мустақил мамлакатимиз халқи номидан Олимпия ўйинларида қатнашганингиз, гарчи, айримларингизга омад кулиб боқмаган бўлса-да, бутун куч-ғайрат ва қатъият билан курашганингиз, Ўзбекистон обрўсини юксалтиришга ҳисса қўшганингиз учун барчангизга ташаккур билдиришдан бахтиёрман. Яна ва яна бир марта айтмоқчиман. Ватанимизнинг муносиб вакиллари бўлиб, бор куч-ғайратингизни сафарбар этиб, шундай нуфузли мусобақаларда қатнашганингизнинг ўзи мен учун, ва ўйлайманки, бутун халқимиз учун катта ғалаба, десак хато бўлмайди. Шу боис, барчангизнинг, Ўзбекистон жамоасининг мана шу ютуғига қўлимиздан келганича ҳисса қўшдик, дея бошингизни баланд кўтариб юришингиз тарафдориман.

Маълумки, спортчини олимпия ўйинларига тайёрлаш узоқ ва машаққатли меҳнатдир. Шу сабабли, бу жараён бевосита ҳукуматимиз раҳнамолигида амалга оширилди. Улар учун энг яхши спорт майдонлари ва заллари ажратиб берилди. Аммо, яхши шароит ўз йўлига, устозларнинг ўгитию тавсиялари, тажрибалари эса бебаҳо. Эътироф этиш керак, спортчиларимизни машаққатли, айни пайтда, шарафли беллашувга тайёрлашда мураббий ва устозларнинг ҳиссаси катта бўлди. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари уларга, шунингдек, Олимпиадада иштирок этган Ўзбекистон жамоаси раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирди.

Сидней Олимпиадаси Ўзбекистон боксига унутилмас шуҳрат ато этди. Муҳаммадқодир Абдуллаев ўзбек боксчилари орасида биринчи бўлиб «Олимпия чемпиони» деган юксак номга мушарраф бўлди. Президент бу спортчимизнинг Сидней рингларида кўрсатган матонат ва жасоратини чинакам қаҳрамонлик, деб атади.

- Муҳаммадқодир кўксида олтин медал билан ғолиблик шоҳсупасида мағрур турганида, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида, унинг тимсолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намоён бўлди, десам асло хато бўлмайди, - деди Ислом Каримов. - Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ифтихори бўлган шундай паҳлавон йигитни тарбиялаб, вояга етказган ота-онасига, барча устоз ва мураббийларига чин юракдан ташаккур айтаман.

Президент Олимпиаданинг бошқа қаҳрамонлари - кумуш медал совриндори курашчи Артур Таймазов, бронза медали соҳиблари - боксчилар Сергей Михайлов ва Рустам Саидовни ҳам эришган ғалабалари билан муборакбод этди.

Бугун Ватанимиз ҳам, халқимиз ҳам, жумладан, спортчиларимиз ҳам, таъбир жоиз бўлса, катта тараққиёт йўлининг бошида турибди. Шу маънода, спортчиларимизнинг бу муваффақияти келгусида қўлга киритиладиган оламшумул зафарларнинг дебочасидир. Президентнинг таъбири билан айтганда, бу ютуқлар Ўзбекистон спортчилари учун яна тўрт йилдан сўнг Олимпия ҳаракатининг ватани бўлмиш қадим юнон диёри - Грецияда ўтказилажак навбатдаги Олимпиададаги катта ғалабалар учун замин бўлади.

Ислом Каримов Сидней Олимпиадаси совриндорларига зарбоф тўн кийдирди ҳамда уларга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди. Шунингдек, олис Австралияда бўлиб қайтган Ўзбекистон спорт делегациясининг бошқа аъзоларига эсдалик совғалари берилди.

Шундан сўнг Олимпиаданинг ҳақиқий қаҳрамони, XXVII ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев сўзга чиқиб, юртимизда спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

- Мен қўлга киритган олтин медал фақат ўзимники эмас, балки сизники ҳамдир, - деди машҳур боксчи.- Зеро, биз, спортчилар эришаётган ютуқларда сизнинг беқиёс ҳиссангиз бор. Ватанимиз мустақилликка эришмаганида, давлатимиз раҳбари юртимизда спортни ривожлантиришга шахсан ўзи бош-қош бўлмаганида, биз бундай жаҳоншумул муваффақиятларга эриша олмасдик.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раҳбари Собир Рўзиев ҳам Сиднейда спортчиларимизнинг муваффақиятли иштирокини таъминлаган бош омил ҳукуматимиз, шахсан Президент Ислом Каримов томонидан спортга ва спортчиларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва эътибор бўлганини алоҳида таъкидлади. У давлатимиз раҳбарига Олимиадада иштирок этган Ўзбекистон делегацияси аъзолари номидан миннатдорлик изҳор этиб, спортчиларимиз бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда янада муваффақиятли қатнашади ва Ватанимиз обрўсини тағин ҳам юксалтираверади, деб ишонтирди. Олимпиада бошланиши арафасида Президентимизнинг мазкур мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаган спортчиларни алоҳида рағбатлантириш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармон асосида қабул қилган қарорига биноан, Олимпиаданинг олтин медали совриндори М.Абдуллаевга 100 минг, кумуш медал соҳиби А.Таймазовга 50 минг, бронза медалларини қўлга киритган С.Михайлов ва Р.Саидовга 25 минг АҚШ долларидан пул мукофотлари бир ҳафта ичида бериладиган бўлди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## *Кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» иштирокчиларининг Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига МУРОЖААТИ*

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!

Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида биринчи «Ислом Каримов турнири»нинг ташкил этилиши Сизнинг ўзбек курашининг жаҳондаги оламшумул ривожига қўшаётган улкан ҳиссангизнинг ёрқин эътирофидир.

Биз, кураш бўйича биринчи «Ислом Каримов турнири» иштирокчилари Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳнамолигингизда ўзбек кураши жаҳонга юз тутганлиги, Буюк Британияда ҳам ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлгани ва бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Шуни ишонч билан таъкидлаймизки, «Ислом Каримов турнири» Буюк Британияда анъанавий халқаро турнир мақомига эга бўлади ва янги минг йилликда дунёда ўзбек кураши довруғининг янада ортишига, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сизга ҳурмат бажо келтириб ва соғлиқ тилаб,

**Биринчи «Ислом Каримов турнири» қатнашчилари**

Бедфорд шаҳри, Буюк Британия.
2000 йил 2 октябр

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорликда ташкил этган ижодий гуруҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтказаётган учрашувлари ғоят самарали бўлмоқда. «Юксак маънавият - буюк келажак пойдевори» мавзуида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшларимиз онгида миллий ғоя ва миллий мафкура асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри жамоаси негизида тузилган гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижодий сафарда бўлди. «Ўзбектеатр» билашмаси бош директори М.Абдуқундузов раҳбарлигидаги гуруҳ таркибида Ўзбекистон халқ артисти З.Мухаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ш.Исмоилова, Б.Мухаммадкаримов ҳамда иқтидорли санъаткор М.Мухторова бор эди.

Гуруҳ аъзолари Қорақалпоғистон Республикасининг энг олис туманларидан бири Бўзатовда намойиш этган бадиий дастур йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Усмон Азимнинг «Кундузсиз кечалар» спектаклидан кўрсатилган лавҳа кўпчиликни ҳаяжонга солди. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Пиримқул Қодировнинг «Бобур» асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллардан лавҳалар, Ватан, дўстлик, ота-онага ҳурмат мавзуидаги бадиий ўқишлар мухлисларни мамнун этди. Гуруҳ аъзолари олис Беруний туманига ҳам сафар қилдилар. Бу ердаги учрашувларда опера санъати юлдузи М.Раззоқова ҳам иштирок этди.

Хоразм вилоятидаги учрашувлар Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан мулоқотдан бошланди. Гуруҳ аъзоларининг Хива шаҳри ўқитувчилари ва мураббийлари билан учрашувлари ҳам ғоят қизиқарли ўтди. Санъаткорлар Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувоқов раҳбарлик қилаётган «Боғот» жамоа хўжалигига ташриф буюриб, «оқ олтин» бунёдкорлари билан мулоқотда бўлдилар.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония молия вазирлиги сиёсий тадқиқотлар институти президенти Хироясу Ватанабэ бошчилигидаги делегация Банк-молия академиясига ташриф буюрди.***

## БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА ТАШРИФ

Х.Ватанабэнинг Ўзбекистонга сафари Банк-молия академиясидан бошлангани бежиз эмас. Бу ўқув даргоҳи Япония сиёсий тадқиқотлар институти билан тўрт йилдан буён яқин ҳамкорлик қилади. Жумладан, «кунчиқар мамлакат» мутахассислари академия тингловчилари ҳузурида ривожланган давлатлар банк, молия ва солиқ тизимидаги сўнгги ўзгаришлар ҳақида мунтазам равишда маърузалар ўқиб келмоқда. Япония иқтисодини ўрганиш борасида ҳар хил семинарлар ташкил қилиш ҳам анъанага айланган. Шунингдек, ҳар йили академиянинг ўн нафар тингловчиси Япониянинг мазкур институтида бир ой давомида тажриба ошириб келади. Шу вақтгача қирқ нафар тингловчи Японияда бўлиб қайтди.

Меҳмонлар академияда ўқув жараёнининг бориши ва таълим олиш учун яратилган шарт-шароит билан танишди. Тингловчи ва мураббийлар билан мулоқотда бўлди. Япониялikларнинг академия раҳбарияти билан учрашуви чоғида мазкур илм даргоҳи ҳамда Япония сиёсий тадқиқотлар институти ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

## ИНСОНПАРВАРЛИК ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик жамияти Сурхондарё вилоятининг чегара ҳудуди аҳолисига тиббий ва моддий ёрдам кўрсатиш учун 16 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами жўнатдилар.***

— «Соғлом авлод йили»да Президентимиз томонидан қўйилган асосий вазифалардан бири — ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан бой қилиб тарбиялашдан иборатдир — деди «Соғлом авлод учун» жамғармаси ижрочи директори Исмоил Рустамов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» Давлат Дастури тўғрисидаги қарорида бизнинг жамғармамиз ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик жамиятига қарашли тиббий-санитария хизмати томонидан вилоятларнинг чекка ҳудудларидаги ёрдамга муҳтож аҳолисига малакали тиббий ва мурувват ёрдамини кўрсатиш масаласи алоҳида ўрин эгаллаган. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан амалий ёрдам бериш, ёппасига патронажга олиш — соғлом оила — соғлом жамиятни шакллантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Сурхондарёнинг чегара ҳудудига жўнатилган юк таркибида дори-дармонлар, болалар овқати, витаминлар, методик қўлланмалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, санитария-гигиена жиҳозлари, кийим-кечаклар бор. Шунингдек, ўн кишидан иборат юқори малакали шифокорлар ҳам хизмат сафарига отланишди. Терапевт, педиатр, гинеколог, невропотолог ва бошқа ихтисосдаги шифокорлардан иборат гуруҳ болалар, хотин-қизларни тиббий кўрикдан ўтказади. Тиббий ва моддий ёрдамга муҳтож кишилар аниқланиб ёрдам берилади.

Жамғарманинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлимига қарашли «Автоамбуланс»-да станцияларга яқин аҳоли яшайдиган чегара ҳудудларига чиқиш кўзда тутилган. У ерда беморлар аниқланиб, зарурат туғилса, улар Термиз ва Тошкент шаҳарларидаги махсус даволаш муассасаларига юборилади. Тадбир давомида 10 минг киши шифокорлар кўригидан ўтади. Шулардан 3 минг 500 нафари болалар, 3 минг нафари аёллардир.

«Ўзбекистон темир йўллари» билан ҳамкорликда худди шундай тадбирларни Қорақалпоғистон республикасининг Устюрт этаклари ва Қашқадарёнинг Қамаши, Шаҳрисабз ва Китоб туманларида ҳам ўтказгандик. Бунинг натижасида кўплаб беморлар оёққа туриб кетди. Сурхондарёда ўтказилажак тадбирларимиз ҳам худди шундай яхшиликка хизмат этади.

## ҚУВА КЎРКИ

Сўнгги йилларда Қува туманидаги Гулистон қишлоғи қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари қишлоқ кўркига кўрк қўшиш билан бирга аҳоли яшаш тарзини янада яхшиламоқда. Ўзига хос услубда бунёд этилган кўркам сайилгоҳ барчани мафтун этмоқда. Унинг ажойиб дарвозаси, фаворасининг таърифини келтириш қийин. Сайилгоҳда аҳоли талаби асосида замонавий тиббий хизмат кўрсатиш пункти ҳам очилди. У барча жиҳозлар билан тўла таъминланган. Эътиборлиси шуки, бу сўлим маскан ҳашар йўли билан бунёд этилди.

***Суратларда: Гулистон қишлоғи кўрки бўлмиш сайилгоҳнинг умумий кўриниши.***

**Ш.ОЛИМОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**



# ЖАРОҲАТЛАНИШ БАРҲАМ ТОПДИ

***Корхонамиз ишчиларининг асосий вазифаси аҳоли ва халқ хўжалигини электр энергия билан таъминлашдир. Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бўлганидек, катта маблағ эвазига келаётган электр энергияни расамади билан халққа етказишда, унинг қонунсиз сарфланиши олдини олишдаги саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаётганлигини кўриб қувонамиз.***

Корхона вилоятдаги саккиз туман аҳолисига хизмат кўрсатади. Касбимиз ўта хавфли бўлиб, ҳар бир тадбир ўз вақтида амалга оширгандагина, турли тасодифларнинг олдини олиш мумкин. Шу боис иш жойларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича вақти-вақти билан суҳбат ва амалий машғулотлар олиб бориляпти. Шу йилнинг 15 августидан 15 сентябригача техника хавфсизлиги бўйича ўтказилган кўрик бу

## *Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир*

борадаги ишларимизни яна ҳам жонлантириш имконини берди. Бундан ташқари ҳар ойнинг иккинчи сешанбасини техника хавфсизлиги куни деб эълон қилганмиз. Бунда ишчиларнинг саломатликларига салбий таъсир этиш эҳтимоли бўлган воситалар яна бир бор кўздан кечирилади. Симёғочга чиқиш мосламалари назоратдан ўтказилади. Ишчиларнинг техника хавфсизлигига оид билим ва савиялари синаб кўрилади. Бу эса иш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Жамоамизда меҳнат қилаётганларнинг 107 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларга қулай иш шароитлари яратиб берилганлиги муваффақият гарови бўлаётир. Ишчиларнинг дам олиш, овқатланишлари учун имкониятлар етарли. Зарарли меҳнат шароитларида меҳнат қилаётган 58 нафар ходимга жорий йилнинг ўзида 402 минг сўмлик сут маҳсулотлари берилди. Бундан ташқари улар махсус кийим билан таъминланди. 800 жуфт махсус кийим, 261 жуфт чарм этик, 71 жуфт ботинка, 191 жуфт қишки куртка билан таъминланди. Кези келганда, жорий йилда меҳнат муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш учун 3 миллион 220 минг сўм ажратилганлигини таъкидлашни истардим.

Хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш учун бугунгача 15 та тадбир ўтказилди. Шу боис ўтган йили ва жорий йилнинг етти ойида биронта жароҳатланишга йўл қўйилмади. Корхонадаги жиҳозланган 11 та техник ўқув хонаси ва ўқув майдончаларида ходимлар ўз малакаларини мунтазам ошириб борадилар. Иш жойларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланишларга олиб келадиган сабабларни йўқотиш ва ишни хавфсиз бажариш усулларини ўргатиш бўйича мунтазам равишда ўтказилаётган бу кўрик ишимизда муваффақиятни таъминланмоқда.

**Сувон ФАРМОНОВ,**
**Шаҳрисабз электр тармоқлари корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Шундай одамлар бор бўлсин!*

# БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛГАНДА

***Газета тахламини варақлаётиб Ислом Каримовнинг мамлакат Президентлигига сайлов олдидан Наманган вилояти меҳнаткашлари билан учрашувда сўзлаган нутқига эътиборни қаратдим. Унда Юртбошимиз наманганликларнинг Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўз юритаркан, кўплар қатори Янгиқўрғон туманининг «Заркент» ширкат хўжалигига қарашли Ўзак қишлоғилик бригада бошлиғи Раҳима Хавезова номини ҳам алоҳида тилга олиб ўтган эди. Шундан сўнг бу фидойи аёл тақдири, бугунги ишлари билан қизиқиб қолдим.***

Бу гўзал қишлоқ вилоятнинггина эмас, балки Фарғона водийсининг жаннатмакон гўшаларидан. Атрофда осмонўпар тоғлар ястанган. Ҳудудини қўшни Қирғизистон билан унча катта бўлмаган бетон ариқ ажратиб туради. Ариқнинг нариги томони даштлик бўлса, бу тарафи кўз етмас боғлар... Шу боисданми, қишлоқ ҳавосидан нафас олсангиз, қаймоқ ютаётгандек бўласиз. Йигитлари арслонкелбат, қиз-жувонлари эртакларда нақл этилган Барчин мисол ой чеҳра. Бунинг ҳам ўз изоҳи бор. Айтишларича, тоғлар оралаб эсган шамол ҳар тонг Сарichелак кўлининг иқлимини ўз елкаларида опичлаб келармиш.

Хўжаликнинг «Ўзак» участкаси бошлиғи, шу ерда туғилиб ўсган, институтни тугаллагач тўппа-тўғри шу ўлкага қайтган, мана, икки-уч йилдирки ушбу маскан ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилаётган, паҳлавонсифат йигитлардан бўлган Умаржон Хатамбоев билан боғлар, сабзавот пайкалларини айланарканмиз, меваси куз қуёши нурларида ёқутдек товланаётган олмазор четига келиб тўхтадик. Қипқизил олмадан бир донадан узиб олаётганимизда боғ орасидан одмигина кийинган қирқ-қирқ беш ёшлар чамасидаги аёл чиқиб келди.

— Олма ўғриларини тутдимми?

— Исботи қўлимизда, — кулди участка бошлиғи. — Тўғри одам қирқ йилда бир овга чиқса, Ой ёруғи ошкор қилиб қўяркан.

— Хирмонда олган ўғри ҳисобланмайди, — ҳамон ҳазилни давом эттирди аёл. — Енглар, ош бўлсин!

— Сиз ахтариб келган опа шу киши бўладилар, — деди Умархон.

Раҳимахон билан боғларни, сабзавот пайкалларини ораладик. Дарахтлардаги мевалар чиройи, сифати билан ҳавасингизни келтиради. Ҳосилнинг асосий қисмини йиғиштириб олишибди. Картошка, сабзи айни ҳосилга кирган.

— Ҳудудимиз вилоятнинг шимолий зонаси ҳисобланади, пастки ҳудудларга нисбатан ҳосил салкам бир ой кеч етилади, — изоҳ беради участка бошлиғи.

Р. Хавезова табиат ардоқлаган мана шу жаннатмакон жойда туғилиб ўсган. Ўрта мактабни битиргач боғларга, далага чиқиб ишлаган. Ўз ақл-заковати, муомаласи, меҳнаткашлиги, ташкилотчилиги билан кўпчилик ҳурматини қозонган. Отасининг моҳир боғбонлиги, уста деҳқонлиги унга ҳам ўтган. Қайси боғ қисми ёки полиз бўлагини унга биркитиб қўйишмасин, доимо мўл ҳосилни таъминлаб келган. Шу сабабдан унга ишонч билдиришиб бригада етакчилигига тайинлашди. Раҳима ўзига билдирилган ишончни оқлади. Жумладан, истиқлолимизнинг тўққизинчи йили ҳам баракали келди. Бригада аъзолари 70 гектар майдонда меҳнат қилишди. 9 гектарда ғалла етиштириб режада кўрсатилган 40 ўрнига 50 центнердан хирмон кўтаришди. 27 гектар токзордан 135 тонна узум йиғиштириб олишди. Бу бултургига қараганда 5 центнер кўп демакдир. 25 гектар ердаги олмазор боғ бўйича белгиланган режа аллақачон адо этилган. Бошқачасига айтганда, 135 тонналик маррани 200 тоннага етказиш учун ҳаракат бормоқда.

— Қўлга киритилган ютуқлар жамоамиз ҳар бир аъзосининг мардонавор меҳнати самарасидир, — дейди Раҳимахон Хавезова. — Сувчи ва боғбонларимиздан Дониёр Йўлдошев, Азим Ғойиббоев, Инобат Мансурова ва бошқалар кунни тунга улаб ёз жазирамасига, қиш чилласига қарамасдан ишлаб, боғларимиз ва сабзавот пайкалларимизу ғаллазорларимиздан мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олинишини таъминладилар.

Ишловчиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги билан қизиқдик.

— Бизда иш оила пудрати асосида уюштирилган, — деди жавобан Раҳимахон. — Режадан ташқари топширилган ҳосил пудратчининг ихтиёрида қолдирилиши ва у келишилган нархларда сотиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳаммамизни мамнун этган. Негаки, биз ўз ихтиёримиздаги ҳосилни бозор баҳоларида сотиб, шахсий сармоямизни кўпайтириш имкониятига эга бўлдик.

Хайрлашиш олдидан Президентимиз сўзларини эслатдим.

— Ўшанда хурсандчилигимдан ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим, — эслайди аёл. — Гўёки ҳамма менга қараётгандек бўлаверди. Камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо деб тушундим буни. Демак, киши астойдил ишласа, бир кун бўлмаса бир кун албатта рўёбга чиқар экан.

Навбатдаги режаларини сўрадик.

— Юртбошимиз ишончига, ҳурматига амалий иш билан жавоб қайтариш ягона орзуим, — дейди Раҳимахон Ҳавезова. — Токи, халқимиз дастурхони ноз-неъматларга тўкин, омбори донга тўла бўлсин.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ЎҚУВ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

Навоий вилоятининг Конимех, Навбаҳор, Томди, Учқудуқ, Нурота ва Хатирчи туманларида қорақалпоқ миллатига мансуб аҳоли ўзбек халқи билан бир оила фарзандидек аҳил яшайди. Кейинги йилларда ана шу халқнинг жажжи фарзандларига ўз она тилида ўқиши, таълим олиши учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда. Биргина Конимех туманидаги 39-, 40-, 41-мактабларда ҳамда 9-мактабнинг битта синфида дарслар қорақалпоқ тилида олиб борилади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлади. Қорақалпоқ тилидаги мактабларни ўқув дарсликлари билан таъминлаш, фанлар бўйича олимпиадалар ўтказиш, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилиш масалаларида келишиб олинди.

# ФАҚАТ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Юқоричирчиқ тумани «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси пахта йиғим-терими мавсумида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини бир ярим бараварга кўпайтирди. Корхонада кунига 12 тоннадан зиёд нон ёпилиб, тумандаги 60 та дўконга ҳамда пахтакор ва ҳашарчилар дастурхонига етказиб берилмоқда. Яқинда «Гулистон» хўжалигида жамиятга қарашли қандолат цехи ҳам ишга туширилди. Ўтган бир ой мобайнида бу ерда тайёрланган тўққиз тоннага яқин турли ширинликлар истеъмолчиларга жўнатилди.

**(ЎзА)**

Тойлоқ туманидаги масъулияти чекланган «Истиқлол» корхонасида харидоргир озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Олма, беҳи, болгар қалампири, кўкатлар, бойимжон, пиёз сингари эҳтиёжбоп маҳсулотлар қуритилади. Айни чоғда маҳсулотларнинг юз фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

**Суратларда: 1. Моҳир ишчи Нодира Ахматова. 2. Корхона цехида.**
**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**





# «ЗИЛОЛА»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Қизилтепа туманидаги «Зилола» ишлаб чиқариш жамоа корхонаси бундан етти йил аввал ишбилармон раҳбар Рустам Саломов ташаббуси билан ташкил этилган эди. 20 киши билан иш бошлаган корхона бора-бора хизмат турларини кўпайтириб 600 кишилик йирик жамоага айланди. Бугунги кунда корхонанинг кийим-бош, пойабзал тикиш цехлари туманнинг барча жойларда ишлаб турибди.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар доимо харидоргир. Шунинг учун ҳам буюртмачиларнинг кети узилмайди, тикувчиларнинг эса қўли-қўлига тегмайди. Агар ўтган йилнинг олти ойида корхонада салкам 34 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида бу кўрсаткич 89,5 миллион сўмни ташкил этди. Корхона қошида қурилиш-монтаж бригадаси ҳам ишлаб турибди. Айтиш мумкинки, тумандаги асосий йирик иншоотлар ана шу қўли гул қурувчилар кучи билан бунёд этилмоқда.

Корхонада ишловчиларга меҳнат ҳақи, мукофот пуллари вақтида бериб борилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта маблағ ажратилаётир.

Жамоа олинган фойданинг бир қисмини хайрия мақсадларига сарфламоқда. Жумладан, биргина шу йилнинг ўзида Тошработдаги болалар интернатига бир миллион сўмлик кийим-кечак туҳфа қилинди. Тумандаги Ойбек, Бобур, Ибн Сино номли мактаблар, Қизилтепа шаҳридаги Навоий номли маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига моддий ёрдам кўрсатилди. Қосим Қобилов номли хўжаликдаги шифохона ҳам ғамхўрликдан четда қолмади.

«Зилола» кун сайин шуҳрат қозонмоқда. Корхона жамоаси келажакда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турларини ошириш эвазига тармоқда ишловчилар сонини 1000 нафарга етказишни режалаштирган.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МЕҲНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

Шўрчи туманидаги Т.Бердиев номли жамоа хўжалигида бу йил ҳосил мўл бўлди. Деҳқонлар айни кунларда ҳар гектар майдондан 35 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиш учун астойдил ғайрат кўрсатишяпти.

— Ўтган йили барча кўрсаткичларни ошиғи билан адо этиб, 147 миллион сўм даромад олдик. Соф фойда 14 миллион сўмга етди, - дейди хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Чорибой Аллаев. Бу йилги режалар янада катта. Йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун тадбир ишлаб чиқдик. Ҳар беш кунда терим пулини бериб бормоқдамиз. Мавжуд 19 та дала шийпони тўлиқ жиҳозланган. Теримчилар дам олиш вақтини кўнгилли ўтказмоқда. Дала бошида чой, иссиқ овқат ташкил қилинган. Ҳар ўн кунда энг кўп пахта топширган бригадага 10 минг сўм, бир бош қўй, теримчиларга 7 минг сўм мукофот берилмоқда. Йиллик шартнома режаларини хўжаликдан олдин бажарган бригадалар 15 минг сўм пул, бир бош қўй билан тақдирланади. Бригада бошлиғи яна алоҳида сийланади. Хирмончи ва қабул пунктларига пахта ташийдиган тракторчилар ҳар ўн кунда 4 минг сўмдан мукофот пули олишяпти. Теримчилардан Рўзихон Хўжақулова, Зебо Саидова, Барно Тожимуродова, Барно Эшбўтаева, Гулзода Қаршиева, Зиёда Бозоровалар меҳнат баҳсида пешқадамлар сафида боришяпти.

Бу йил хўжалик аъзолари 2790 тонналик хирмон яратиш ниятидалар. Далалардаги мўл ҳосил ушбу шартномавий режа муваффақиятли бажарилишидан дарак бермоқда.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ПЕНСИОНЕРЛАР ЭЪЗОЗДА

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, нафақахўрларни қўллаб-қувватлаш касаба уюшма қўмиталарининг бугунги кундаги долзарб вазифаларидандир. Шу маънода Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси олиб бораётган ишлар ибратлидир.

Яқинда шу жамоада ишлаб, пенсияга чиққан бир гуруҳ нуронийлар бир пиёла чойга таклиф қилиндилар. Табаррук кишилар пул мукофоти билан тақдирланди.

— Илгари маҳаллий саноат ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари республика қўмитаси раиси вазифасида 25 йил ишлаганман, — дейди Амина ая Алиева. — Мана, 14 йилдирки, пенсиядаман. Лекин қадрдон жамоа ҳали ҳам мени унутмаганидан бағоят хурсандман. Чунки, ҳар бир байрамда ҳурмат эҳтиром кўрсатишади. Гап совғада эмас, энг муҳими — эътиборда.

**Ғ.ЮСУПОВ.**

*Меҳнат хавфсизлиги*

# ЛОҚАЙДЛИК ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАДИ

***Меҳнаткаш манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Буни яхши тушунган Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат кишиларига қулай ва хавфсиз иш шароитларини яратиш мақсадида семинарлар ўтказиб турибди. Уларда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишда асосий дастур бўлиши лозимлиги уқдирилаётир.***

Жамоа шартномаларида ҳам меҳнат муҳофазасига алоҳида аҳамият берилган. Бандларда баён этилган иш жойларида шароитни яхшилаш, ускуналарни янгилаб бориш, хавфсизликни таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган бўлишига қарамай, уларнинг бажарилмаслигига маблағ йўқлиги ва бошқа баҳоналар рўкач қилинади. Натижада ишлаб чиқаришда турли даражадаги кўнгилсиз ҳодисалар учраб турибди.

Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати корхоналари айрим раҳбарларининг муҳим ишга ўта совуққонлик ва масъулиятсизлик билан ёндошганлиги, касаба уюшма қўмиталарининг муросасозлик йўлига ўтиб олганлиги натижасида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сони ўтган йилдагига қараганда бу йил бир мунча ортди. Тўққиз ойда олтита ҳодиса ўлим билан тугагани ғоят ачинарли ҳолдир. Бундай кўнгилсизликларнинг келиб чиқиши ва газак олишига сабаб — ишловчиларни меҳнат хавфсизлиги қоидаларига ўқитиш талаб даражасида эмаслиги, уларнинг касблар бўйича малакасини ошириш каби муҳим масалалар ўлда-жўлда қолиб кетганлигидир. Йўриқномалар вақтида ўтказилмайди, айрим ҳоллардаги ўзибўларчилик ишда технологик жараёнларнинг бузилиши каби салбий ҳодисаларга олиб келган.

Озгина эътиборсизлик нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида битта мисол: — Чирчиқ «Саноаттехмонтаж» корхонаси ишчиси Н.Сирожиддинов нефт маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган, сиғими ўн минг кубометр бўлган цистернани ўрнатиш жараёнида бахтсиз ҳодиса қурбони бўлди. 18 метр баландликда жойлашган контейнердан пайвандлаш мосламасини олаётган пайтда контейнер жойидан қўзғалиб, пастга тушиб кетган.

Бахтсиз ҳодиса сабаблари қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан ўрганилганида корхона раҳбарлари рақамлар кетидан қувиб, хавфсизлик масалалари билан қизиқмаганликлари аниқланди. Масъулиятсиз кишилар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Лоқайдлик шундай иллатки, ундан қутилиш йўллари изланмаса кўнгилсизлик барҳам топмайди.

**Шуҳрат ҲАЛИМТОЕВ,**
**Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлими мудири,**
**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## *Халқаро кўргазма*

Шарқ гиламлари ва халқ амалий санъати «Евротефа-2000» халқаро кўргазмаси ташкилотчиларининг таклифига кўра Германиянинг Нюрнберг шаҳрида ўз маҳсулотларини намойиш этган Самарқанд вилояти ҳунармандларининг ишлари юқори баҳоланди. Вилоятнинг қўли гул усталари томонидан тўқилган гиламлари, зардўзлик буюмлари, миллий мусиқа асбоблари, сопол буюмлари, сўзана ва кашталар кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

# «ЕВРОТЕФА — 2000» НИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРИШДИ

Кўргазмада Шарқ мамлакатлари, Европа ва Америка қитъаларидан 20 дан ортиқ мамлакатларнинг усталари иштирок этишди. Самарқанд тадбиркорлари уюшмасининг маҳсулотлари кўргазмада юқори баҳо олди. Уюшма раҳбарлари бир қатор давлатлар билан ўз маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар.

Кўргазмада қатнашган ўзбекистонлик усталар уюшмаси «Евротефа—2000» каталогига киритилди ва кўргазманинг келажак рўйхатидан ўрин олди.

**«Туркистон-пресс»**

